

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил февраль ойининг 15 кунда жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман суди раиси А.Мамарахимов, судья ёрдамчиси С.Эсонмуродовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пастдарғом туман прокурорининг ёрдамчиси С.Абдусаломов, судланувчи О.Обиджонов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “EVICSIYA QOMUS” адвокатлар ҳайъати адвокати Э.Ураков ва жабрланувчи Р.Ражабованинг қонуний вакили М.Мухаммадиевнинг иштирокида, Обиджонов Обиджон Обиджоновичга нисбатан бўлган №1-1413-2301/35-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Обиджонов Обиджон Обиджонович (Obidjonov Obidjon Obidjonovich), 1964 йил 24 декабрь куни Самарқанд вилоятининг Арнасой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, маълумоти олий, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, депутат эмас, партиясиз, соғлом, мавсумий ишчи, Арнасой тумани, “Катта Найман” МФЙда яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Обиджонов Обиджон Обиджонович, 2022 йил 18 декабрь куни соат 14⁰⁰ ларда бошқарувида бўлган “Lacetti” русумли, 01 D 886 VA давлат рақамли автомашинани тегишли ҳужжатлар билан Арнасой тумани, Қатортерак МФЙда жойлашган Пастдарғом буюм бозор МЧЖ ҳудуди ичкарасида бошқариб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандидаги “транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриш шарт”лиги ҳамда 77-бандидаги



“хайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкини хусусияти, ҳолатининг ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишдаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак, транспорт воситасини тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имконини бериши кераклиги, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф, тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасини тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги ҳамда 63-бандидаги транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳалақит бермаслиги шарт. Зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак деб кўрсатилаган қоидаларни кўпол равишда бузиб, ушбу қоида талабларига амал қилмасдан Пастдарғом буюм бозор МЧЖда бозор ҳудуди ичкарасида автомашинасини орқа томонга бошқариб бориши давомида бозор ҳудудида бўлган пиёда Р.Ражабовани уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилган.

РСТЭИАМСФ Самарқанд филиали Арнасой тумани суд тиббий экспертизасининг 2022 йил 28 декабрь кундаги 986-сонли хулосасига кўра, фуқаро Ражабова Мехриойни танасида яъни гемаоартроз иккинчи даражаси, чап биллак суяги типик жойидан ёпиқ синиб силжиши, чап катта болдир суяги ташқи кондилуссининг ёпиқ синиб силжиши каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, ўтмас қаттиқ жисмлар, яъни ҳаракатда бўлган автомашинанинг ташқи бўртиб чиққан қисмларини урилиши, танани қаттиқ ер қопламасига йиқилиши натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги, тан жароҳатлари одатдаги кечувда соғлиқни йигирма бир кундан кўп, аммо бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўладиган “ўртача оғирликдаги шикаст” гуруҳига киришлиги қайд қилинган.

Судда сўралган судланувчи О.Обиджонов ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил 20 декабрь куни кенжа қизини никоҳ тўйи бўлиши белгиланганлиги учун турмуш ўртоғи Д.Давирова билан у бу нарса харид қилиш учун Пастдарғом туман буюм бозорига 18 декабрь куни ўзининг Ласетти русумли, 01 D886VA автомашинасида борганликлари ва у ердан бозорлик қилиб, чиқиб машина қўйилган тўхташ жойига келиб ўтирганликлари ва орқага ҳайдаш учун орқани кўрсатувчи ойнага қарганида ҳеч ким йўқлигини билиб секинлик билан ҳайдаганида кимдир бақирганлигини эшитганлигини ва машинадан тушганида ҳозирда таниш бўлган Р.Ражабова оёғим деб бақираётганлигини кўриб, уни дарҳол шифохонага олиб борганлигини, биринчи ёрдам кўрсатилганида дори-дармонга ёрдам қилганлиги,



шифохонага ётқизиб уйига кетганлиги, 20 декабрь куни қизини никоҳ тўйи бўлаётган вақти Р.Ражабовани ўғли қўнғироқ қилиб, шифохонага келишини айтганида унга тўйда эканлигини, дори-дармон ва бошқалар учун қанча харажат қилса шуни тўлашлигини айтганлигини, улардан кечирим сўраганлигини, бироқ улар кечиришни истамаганликлари, Р.Ражабова уйда даволанаётганда терговчи билан бориб кўрганлиги, уларга моддий томондан ёрдам қилишликни айтганида рози бўлмаганликлари, судда ҳам кечирим сўраганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, оиласини ўзи якка боқувчилигини инobatга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи О.Обиджоновнинг содир этган жиноий ҳаракати ўзининг тўлиқ иқрорлик билдириб, пушаймон бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби судда сўралган жабрланувчи Р.Ражабовани қонуний вакили М.Мухаммадиевнинг, жабрланувчи турмуш ўртоғи бўлишлигини, ҳозирги вақтда у уйда ётиб даволанаётганлиги сабабли қонуний вакил бўлиб қатнашишлигини билдириб, судланувчини иш бўйича таниганлигини, Тошкентда даволанишда бўлган вақти уйдагилар қўнғироқ қилганлиги ва 18 декабрь куни турмуш ўртоғи Р.Ражабовани автомашина туртиб юборганлигини айтганлиги, уларга ўзи яхшими, жароҳати оғир эмасми деб сўраганлиги, қайтиб келганлиги ва турмуш ўртоғини О.Обиджонов машинасида туртиб юборганлигини билганлигини, у машинасида шифохонага олиб борганлигини билганлиги, бироқ кейинчалик хабар олмаганлигини, фақатгина терговчи билан бир марта келганлигини, ҳозир кечирим сўраганлиги, моддий ёрдам қилишини айтганлиги, шу вақтга қадар ёрдам қилмаганлиги учун ёрдами керакмаслигини, турмуш ўртоғини ўзи даволатаётганлиги, судга кетган харажати бўйича квитанцияларни олмаганлиги учун тақдим қилаолмаслигини, судланувчи билан ярашмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви билан;

-судда сўралган гувоҳ М.Даминовнинг, судланувчини иш бўйича таниганлигини, жабрланувчи Р.Ражабова опаси бўлишлигини, 18 декабрь куни опасини О.Обиджонов машинасида туртиб юборганлигини эшитганлигини ва ҳол сўраш учун тиббиёт бирлашмасига борганлиги ва беш кунлар олдида ётганлигини, телефон қилиб судланувчини бир неча марта чақирганлигини, бироқ у моддий ёрдам қилиш учун келмаганлигини, ҳозир кечирим сўраганлигини, ишни қонуний ҳал қилиш ҳақидаги кўрсатуви билан;

-судда сўралган гувоҳ М.Киргизовани, судланувчини иш бўйича таниганлигини, жабрланувчи Р.Ражабова қайинонаси бўлишлигини, 2022 йил 18 декабрь куни қайинонаси ва турмуш ўртоғи билан кир ювиш машинаси сотиб олиш учун бозорга боришганликлари, сотиб олгандан сўнг турмуш ўртоғи машинани ҳайдаб келиш учун кетганлиги, қайинонаси иккаласи бозордан чиқиб турганлиги, қайинонаси четроққа



Ўтиб турганида бир Ласетти русумли автомашина орқаси билан келиб туртиб юборганида бақириб юборганлиги, машинада ҳозирда таниш О.Обиджонов тушиб, дарҳол машинага миндириб иккаласини туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлиги, дори дармонга ёрдам қилганлиги, оёғини МРТ қилиш учун бир неча жойга борганликлари, бироқ якшанба куни бўлганлиги учун ишламаганлиги, судланувчи бир марта терговчи билан келганлиги, лекин кечирим сўраб, моддий ёрдам қилмаганлигини, унга қонуний чора кўриш ҳақида берган кўрсатуви билан;

-шунингдек, тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган судга келмаган гувоҳларнинг терговдаги кўрсатувлари, Пастдарғом туман ИИБ ЙХХБ бошлиғининг 2022 йил 21 декабрдаги билдиргиси, чизма, тушунтириш хатлар, судга оид автотехника ва тиббий экапертиза тайинлаш қарорлари ва хулосалар, гувоҳни сўроқ қилиш баённомалари, жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор мақбул далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Обиджонов Обиджон Обиджоновичнинг транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи О.Обиджоновнинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, уни айбига иқрорлигини, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, моддий зарар қисман қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи О.Обиджоновга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги 10-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилган ҳолда ҳамда қонунийлик, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилиб, уни айбига иқрорлигини, пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарлар қисман қопланганлигини инobatга олиб, у томонидан содир этган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми



санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, қўшимча жазоси сифатида ЖКнинг 45-моддасига асосан муайян ҳуқуқ, яъни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни ҳамда унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорида қайд этилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, жабрланувчининг қонуний вакилига йўл транспорт ходисаси оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи О.Обиджоновдан ундириш юзасидан асосли ҳужжатларни тўплаб, умумий асосларда фуқаролик тартибида судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465-468, 471, 473, 474-моддаларига амал қилиб, суд –

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Обиджонов Обиджон Обиджонович (Obidjonov Obidjon Obidjonovich), Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Обиджонов Обиджон Обиджоновичга, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Обиджонов Обиджон Обиджоновичга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Пастдарғом туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин ва жазо муддати ҳукм қонуний кучга кириб О.Обиджонов жазони ижро этиш учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Пастдарғом туман ИИБ Пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоларининг ҳар қайсиси алоҳида ижро қилинсин.



Судланувчи Обиджонов Обиджон Обиджоновичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчининг қонуний вакили М.Мухаммадиевга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда келгусида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиши ҳуқуқига эгаллиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳамда жабрланувчи ва унинг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:
Аслига тўғри:

имзо

А.Мамарахимов

